



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 177 (11.238)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ
бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Каска
сатрларда

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллик тантаналарига бағишланган тадбирлар 5 сентябрдан бошланди. Университет спорт мажмуасида талбалар ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Университет раҳбарияти томонидан белгиланган бундай тадбирлар бир ой давом этади.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда Ёшлар йилига тўхфа сифатида Бектемир туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Бектемир туман бўлимлари ҳомийликларида бунёд этилган болалар спорт мажмуасида хайрия тадбири ўтказилди.

● **МИРЗО** Улугбек туманидаги «Яланғоч» маҳалласида «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот» сардорларининг 17 тўхфаси» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбир «Озод ва обод маҳаллам» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** 12-13 сентябрь кунлари Ёшлар йилига бағишланган «Ёшлар йилида ёшлар мусикаси» деб номланган рок фестивали бўлиб ўтди. «Пойтахт» меҳмонхонасида ушбу фестивалнинг аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **МИРБОД** туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Фафур Фулом номли маданият уйида Тошкент шаҳар қорейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида Ёшлар йили ҳамда юртимиз Мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Барчани рақс кечасига тақдиф қиламиз» деб номланди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Кўзи оғизлар мактаб-интернатида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон – гўзал диёрсан» мавзусида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ФАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан юртимиз Истиклолнинг 17 йиллигига бағишлаб меҳроғ ташна инсонлар иштирокида байрам тадбири ва концерт дастури уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан).

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси олдида

«ТОШКЕНТ-ТОЛА»:

ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТА ТОЛАСИНИ СОТИШ ВА ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАРГА БЕВОСИТА ЕТКАЗИБ БЕРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.



Ўзбекистон пахтасига қизиқиши ортаётган хорижий харидорлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Буни бир неча йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Халқаро пахта ярмаркаси натижалари ҳам яққол тасдиқламоқда. Мазкур тадбир маҳсулотни харидорга воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмининг янада эркинлаштириш, хорижий харидорлар сафини кенгайтириш имконини бермоқда.

Бу эса деҳқонларимиз етиштирган толлани харидорларга пешма-пеш, янада сифатлироқ етказиб бериш борасида амалий чоралар қўришни талаб этаётди. Шу боис мамлакатимизда йигирма йилдан бери шундай тадбирлар ўтказиб келинаётган. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда қабул қилинган «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган «Тошкент-Тола» пахта терминали уларнинг энг йириги. Худудлараро мақомда ға ушбу корхона пойтахт вилоятининг ўн иккита пахта тозалаш заводида тайёрланган ҳамда бошқа вилоятлар толасининг бир қисmini «Ўзса-ноатмашимпекс», «Ўзмарказим-

пекс», «Ўзинтеримпекс» давлат акциядорлик ташки савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хорижий харидорларга етказиб беради.

— Корхонамизда октябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон тўртинчи халқаро пахта ярмаркасига пухта тайёргарлик қўрилмақда, — дейди «Тошкент-Тола» минтақавий пахта терминали раҳбари Баҳром Абдуллаев. — Барча омборхоналар таъмирланиб, харидорларга янада қулайлиқ яратишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур юртимизда тайёрланадиган пахта хомашёсига оид барча маълумотлар билан танишиш имконини беради.

Тола экспорти билан боғлиқ ҳужжатлар шу ернинг ўзига — «Тошкент-Тола»-да расмийлаштирилади. Зарур ҳужжатларни қисқа вақтда расмийлаштириш учун барча шароит яратилган. Жумладан, Ўзбекистон «Сифат» марказининг лабораторияси, божхона, давлат қарантин назорати пункти каби хизматларнинг корхонанинг ўзига ташкил этилган олди-сотди ҳужжатларини қисқа вақтда расмийлаштириш имконини бераётди. Экспортга жўнатиладиган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар тезкорлик билан ташки савдо компанияларига етказилади.

Терминалга қарашли омборларга 45 минг тоннадан кўпроқ тола сизади. Буш омбор тизимига ўтилган харидорлар учун янада қулайлик туғдириди. Эндиликда харидор сотиб олган хомашё унинг хоҳишига кўра, токи олиб кетилгунга қадар шу омборларда сақланади.

Харидорлар бир йўла еттига омбордаги пахта толаси намунасини кўриш имконига эга. Танланган тола замонавий автопоездларда айтилган манзилга етказиб берилади. Корхона кунига 500 тонна хомашёни пахта тозалаш корхоналаридан қабул қилиб, 900 тоннадан ортиқ толлани экспорт қилиш имконига эга. Терминалда хомашёни юклаш ва ташини ишлари замонавий автокранлар ҳамда ўнга яқин «Мерседес-Бенц» автопоездлари ёрдамида амалга оширилмақда.

Пахта экспорти бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирида турадиган мамлакатимизда бундай минтақавий терминалларнинг фаолият олиб бораётгани ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотди муносабатларини замон талаблари асосида ташкил этиш имконини бермоқда. Буни аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси иштирокчилари ҳам эътироф этишган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси

2008 йил, 9 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан эзгу тилаклар билдирилган самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судида «Янги Солиқ кодексининг амалиётда қўлланилишининг айрим масалалари» мавзусига бағишланган идоралараро семинар бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитасининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғида «Оила саломатлиги» акцияси ўтказилди. «Ёшлар йили» Давлат дастурига биноан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ва Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ёшлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

● Сурхондарё вилояти Шеробод туманида «Тадбиркор хотин-қизларга — «Микрокредитбанк» сармоялари» мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● Шу кунларда мамлакатимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичлари ғолибларини тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Кўрик-танловда иштирок этаётган ёшларнинг сафи жорий йилда 54 минг нафардан ошди.

● Қашаи газ-конденсат кони худудида чуқурлиги 3272 метр булган янги қудуқни бургулаш ишлари ниятисига етказилди. «Хисорнефтьгаз» қўшма корхонаси бурғучиларининг фидокорона меҳнати туғайли бургулаш ишлари бир ярим ой ичида тугатилди.

● Бухородаги «Ўқтам КО» фирмаси Москвадаги «Жун савдо уйи» орқали россиялик ҳамкорларга қарийб 400 тонна қўй юнги етказиб берди.

● Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманида трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «DAESHIN MEDATEKS» фабрикаси фойдаланишга топширилди. Жанубий корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилган мазкур корхона цехлари замонавий технологик жиҳозлар билан таъминланган.

● Эллиққалъа тумани марказидан анча олисда жойлашган Гулистон фуқаролар йиғини аҳолиси учун овул марказида «Қорақалпоқпochта» жамиятининг янги бўлими очилди. Ушбу бўлим овулдаги 13 минг аҳолига хизмат кўрсатмоқда.



ЖАҲОНДА

● Хитойнинг жануби-ғарбидаги Цзиуцин кўмир конида газ портлаш ҳодисаси содир бўлди. Портлаш оқибатида 10 киши ҳалок бўлган ва саккиз киши бедарак йўқолганлиги ҳақида «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар беради.

● «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Австралия тарихида ilk бора мамлакат генерал-губернаторлигига аёл киши тайинланди. У 65 ёшли Квентин Брюс хонимдир.

● Покистон халқ партияси бошлиғи, собиқ бош вазир Беназир Бхуттоннинг турмуш ўртоғи Асиф Али Зардори мамлакатнинг янги президенти этиб сайланди.

● Таиланд бош вазир Самак Сунтаравет суд маҳкамасига қақирилмоқда. Бунинг сабаби бош вазирнинг тижорат телешоуларидан бирида иштирок этганлигидир. Чунки Таиланд қонунчилигига кўра, юқори лавозимли давлат хизматчиларининг телевизион тижорат кўрсатувларида иштирок этиши ман этилади.

● Канаданинг Квебек провинциясида пишлоқ маҳсулотларининг листериоз бактерияси билан оммавий захарланиши кузатилмақда. Шундай захарланган пишлоқларни истеъмол қилган 14 нафар киши оламдан ўтган ва яна ўнлаб канадаликлар оғир аҳволда шифохоналарга келтирилмоқда. Айни пайтда Канада ҳукумати қошида шу ҳолатни ўрганувчи махсус комиссия иш бошлаган.

● «France Presse» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Хитойда тайконавтнинг очик самога чиқиши биринчи марта тўғридан тўғри эфирга узатилади. Маълумотларда айтилишича, яқин кунларда парвоз қиладиган «Шеньчжоу VII» космик кемасининг экипажи икки кишидан иборат бўлади.

● «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, Болгария пойтахти София шаҳрида иккита портлаш содир этилди. Қаҳвахоналарда амалга оширилган портлаш натижасида 4 киши турли даражада таң жароҳати олган.

● Буюк Британияда юз берган сув тошқини мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказиш баробарида 8 нафар кишининг ҳаётига ҳам зомин бўлган. Табиий офатдан Англия ва Уэльс мамлакатлари жиддий талафот кўрган.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КўМИТАСИНING «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ Тўғрисида»ги ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ги ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БўЛИБ ЎТДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИ

Мазкур қўмида раиси А.Мўминов бошқарган тадбирда соҳанинг етакчи мутахассислари, экспертлар, амалиётчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов ва бошқарлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ноширлик соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Ноширлик фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, жумладан, давлат стандартлари ишлаб чиқилгани соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ноширлик фаолиятини демократик андозлар асосида йўлга қўйиш, мустақил нашоётлар ишини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, аҳолининг ноширлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг ахбороти тингланди. Қўмида томонидан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги амалдаги қонун ижроси асосида ўтказилган назорат-таҳлил яқунлари шунини кўрсатадики, юртимизда давом этаётган илчил ислохотлар, янгилашнилар, жамиятнинг демократлашуви ноширлик фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасини ана шу талаб ва эҳтиёллардан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор тақиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

